O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Nurobod tumani
**HOKIMI**
**QARORI**

**РЕШЕНИЕ**
**ХОКИМА**
Нурабадского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

141100, Nurobod shaxri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy,
Tel.633-16-34, Fax 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустакиллик, д.7
Тел.633-16-34, Факс 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

2017 йил «24» июл № 758-у

**Ер майдони танлаб ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 20-моддаси, Ер кодекси"нинг 6, 26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2011 йил 25 майдаги №146-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлок хўжалигига оид бўлмаган бошка эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида "Қишлоққурилишлойиха" МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институтининг 2017 йил 03 февралдаги №150/07 сонли келишув хати, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2017 йил 16 майдаги №1189-сонли экологик экспертиза хулосасини, Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани Умакай маҳалласида яшовчи фуқаро Қўзиев Актам томонидан Нуробод тумани Жом маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонидан 1.04 гектар ер майдонига ошхона биносини қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 5 июлдаги далолатномаси ва тўпланган ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларини кўриб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани Умакай маҳалласида яшовчи фуқаро Қўзиев Актамга Нуробод тумани Жом маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳирасида бўлган ер майдонига ошхона биносини қуриш учун 1.04 гектар ер майдони ажратилсин ҳамда ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 5 июлдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Қўзиев Актамга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат нспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч ил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик шларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун уман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га фуқаро Қўзиев Актам томонидан асдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини "Ўз ГАШКЛИТИ" ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман бош рхитектори (Ж.Абдуллаев) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Туман "Ермулккадастр" давлат корхонаси (З.Исоқов)га фуқаро Қўзиев Актамга ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда икки кун муддатда давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Фуқаро Қўзиев Актам томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Туман ҳокими** **Ф.Заиров**